


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 15 ноябрь, № 224 (5898) Жума


Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

**14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р. Азимов ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С. Отамуродов маъруза қилдилар.

Шу нарса таъкидландики, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 2013 йил январь ойида ўтказилган Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларининг прогноз баҳоси асосида ишлаб чиқилган. Бюджет лойиҳаси иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишини, иқтисодий барқарорликни, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини, ташқи савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини сақлаб қолишга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. Айни бир вақтнинг ўзида 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш миқёсларини жадаллаштириш ва кенгайтириш ҳамда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш давом эттирилади.

2014 йилда ялпи ички маҳсулот 108,1 фоизга, саноат маҳсулоти 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 106 фоизга ва капитал қўйилмалар 109,5 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳасида юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса 132 миллиард сўмни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ бўйича даромадларга солиқ солишнинг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ОСИЁ ЧОРРАҲАСИ»

Буюк Британияда нашр этиладиган “Дипломат” журналининг ноябрь ойидаги сонида эълон қилинган мақолалар туркуми ана шундай номланади.

Нашр муҳаррири В. Ван Куффелернинг қайд этишича, Ўзбекистон Марказий Осиё геосиёсатида жуда катта ўрин эгаллаши билан бирга, минтақавий барқарорлик ҳамда хавфсизликни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади.

“Ижобий руҳ” сарлавҳали мақолада **“Буюк Британия — Ўзбекистон” Умумпартиявий парламент гуруҳи раиси Ж. Вейверли** Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилганини алоҳида таъкидлаган. У икки мамлакат парламентлари ўртасидаги шерикликнинг асосий жиҳатларига, жумладан, ўзи раҳбарлик қилаётган гуруҳ ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг махсус гуруҳи ўртасидаги Ўзаро англашув Меморандуми доирасидаги ҳамкорликнинг тафсилотларига атрофлича тўхталган.

“Ўзбекистонда бизнес ва сармоявий имкониятлар” сарлавҳали мақолада **Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши ҳамраиси П. Лилли** журналхонларни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётидаги тараққиётнинг ўсувчанлик суръатлари билан таништиради.

У Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг Лондонда бўлиб ўтажак

### ЭЪТИРОФ

йиғилиши Ўзбекистонга сармоя киритиш юзасидан халқаро бизнес вакилларидаги қизиқишни фаоллаштиришига ишонч билдиргани баробарида, Буюк Британия компанияларининг йирик қўшма инфратузилмавий лойиҳалардаги иштироки ҳамда ўзаро савдо-сотиқ ҳажмининг ўсиши истиқболларини юқори баҳолаган.

“Диққат марказида — иқтисодиёт” сарлавҳали салмоқли мақола ҳам “Дипломат” журналидаги мазкур туркумдан жой олган бўлиб, унда Ўзбекистон жаҳоннинг энг тез ривожланаётган 26 мамлакати рўйхатида 11-ўринни эгаллаб тургани кўп сонли ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Нашрда хорижий сармояларни юртимиз иқтисодиётига самарали жалб этиш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган сиёсат таҳлил қилинар экан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида яратилган қулай шарт-шароитлар баён этилади. Унда Ўзбекистон саноатининг устувор тармоқлари ва 2009 — 2014 йилларда 300 дан ортиқ самоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича юртимиз ҳукуматининг дастурига оид маълумотларга алоҳида урғу берилган.

“Дипломат” журнали ўз ўқувчиларини Rio Tinto, British-American Tobacco ва Tethys Petroleum сингари компаниялар томонидан мамлакатимиз ҳудудида бизнес юритиш афзалликлари юзасидан билдирилган маълумотлар билан ҳам таништирган.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунтазамлаштириш ва кодификациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишни, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутадиган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ



*“Ўзбекистон — ҳар томонлама барқарор ривожланаётган давлат, халқи эса меҳмондўст ва самимий. Бундай илиқ сўзларни юртингиз ҳаво йўллари тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, халқаро алоқалар самаралари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мамлакатингиз миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйганимизга бу йил йигирма йил тўлгани ва ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар шундай дейишимизга асос бўла олади. Бу борадаги натижалар изчиллиги келажакда ҳам таъминланишига шубҳа йўқ”.*

**Вальтер ХЕЕРДТ, «Lufthansa Technik AG» компаниясининг маркетинг ва тижорат бўйича катта вице-президенти.**

Истиқлол йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг “ўзбек модели” иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори миллий ҳаво йўллари тизимида ҳам улкан янгиланишларга асос бўлди. Пировардида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси (МАК) мустаҳкам моддий-техник ва салоҳиятли кадрлар базасига эга қулай, илғор ва хавфсиз авиахизматлар кўрсатувчи сифатида эътибор қозонди.

Хусусан, ўтган йили юртимиз Миллий авиакомпанияси IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш борасида эришган ютуқлари учун эса “Парвозлар хавфсизлиги” Нотижорат ҳамкорлик ташкилоти мукофоти лауреати ва Парвозлар хавфсизлиги халқаро фонди (Flight Safety Foundation) дипломи соҳибига айланди.

(Давоми 2-бетда).

Модернизация




## Сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан, жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, куни кеча ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар бошланди.*

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Жумладан, Навоий вилоятида ўтказилаётган сайловларда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодларни сайлашга жиддий эътибор берилаяпти. Ўзининг намунавий хулқи, ижтимоий фаоллиги, интизоми, масъулияти, жамиятдаги обрў-эътибори билан ажралиб турган фуқаролар маҳалла раислигига номзод сифатида кўрсатилмоқда ва уларнинг энг муносиблари сайланмоқда. Бу, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган муҳим вазифаларнинг бажарилишида, хусусан, аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби устувор ишларни рўёбга чиқаришда долзарб аҳамият касб этади.

Ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар фикрини инобатга олган ҳолда, ҳар бир йиғиндан икки ва ундан ортиқ номзоднинг ҳужжатлари тайёрланиб, туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этилмоқда. Комиссиялар, ўз навбатида, туман (шаҳар) ҳокимларининг номзодлар ҳақидаги хулосаларини ишчи гуруҳларга топширмоқда. Шу асосда сайлов ўтадиган барча фуқаролар йиғинлари биноларида сайловдан камида беш кун олдин номзодлар ҳақидаги ахборотлар осиб қўйилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

*Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, сайёҳлик, қурилиш, фармацевтика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси А. Камолов Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатни янада ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу масаланинг долзарблигига аҳамият қаратилиб, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган давр мобайнида оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, айниқса, давлат органлари ахборот хизматлари вакилларининг назарий ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдаги ролини ошириш борасида кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширил-

### ТАДБИР

ди. Оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишига кўра, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент айни чоғда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ рўёбга чиқаришга имконият яратмоқда.

Куни кеча пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш — жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили” мавзуидаги семинар-тренингда шу хусусда атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжати аниқ ижтимоий йўналишга эга. Унда ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини янада ривожлантиришга, умуман, меҳнат ҳақини жадал оширишга, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Чунончи, 2014 йилда таълим соҳасига ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизини, соғлиқни сақлашга ажратиладиган харажатлар эса ЯИМнинг 3,1 фоизини ташкил этади, бу эса баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш имконини беради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпаяди.

Фуқароларни ижтимоий таъминлашга ажратиладиган харажатларни ошириш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, компенсация тўловларига сарфланадиган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,4 фоиз миқдорида назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда янги тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ушбу тоифаларини мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасида кам ҳосил берадиган ерларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, қишлоқ жойларда йўлларни буткул ва жорий таъмирлаш ҳам назарда тутилган.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган марказлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади, ушбу маблағлар қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашга ва янги ташкил этилаётган тураржой массивларида ижтимоий инфратузилма объектларини ва ички йўллар барпо этишга йўналтирилади. Хусусан, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига кўра 2014 йилда барпо этиладиган 11000 та тураржой қурилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ЯИМга нисбатан 0,5 фоиз миқдорида маблағ ажратиш, шу билан бир қаторда якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг ва Осиё тараққиёт банки заёмининг маблағларини сарфлаш назарда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш — мамлакатимизни келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. 2014 йилда 983,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини кучайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб 2014 — 2015 йилларда синаб кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга киритиш назарда тутилмоқда. Ана шу давр мобайнида заруратга қараб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилади.

Бюджет кодексини амалга киритишдан асосий мақсад — амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскириб қолган нормаларни бартараф этиш, шунингдек, амалиётда қўлланиладиган нормалар, қоидаларни, бюджет жараёни қатнашчиларининг ваколатларини тизимлаштириш имконини берадиган ягона қонун ҳужжатида бутун бюджет жараёнини тизимлаштиришдан иборатдир.

2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қатор қўмиталарининг йиғилишларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирокида олдиндан муҳокама қилинди. Муҳокамалар чоғида мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг сўзсиз бажарилишига қаратилган кўплаб амалий таклифлар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди, ушбу муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданиятни, жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Жумладан, 2014 йилда иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юки 0,5 фоизга камайтирилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ЎзЛиДеП ўзининг Сайловолди дастури низомларидан келиб чиққан ҳолда фермерлик ҳаракати вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, ноқулай табиий шароитларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган Давлат бюджети харажатлари 2014 йилда жорий йилдагидан 26 миллиард сўмга ортганини кўрсатиб берди, бу эса ноқулай табиий шароитларда пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлилигини ошириш имконини беради. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини таъминлашга сарфланадиган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,1 фоиз миқдорида кўзда тутилганлигига, бу эса жорий йилдагига нисбатан 16,2 фоизга кўпроқ эканлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизнинг келгуси йилги асосий молиявий ҳужжати ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Шу мақсадда ажратилаётган катта миқдордаги бюджет маблағлари иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий тўловлар миқдорларини янада ошириш орқали аҳолининг фаровонлигини изчил равишда яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратади. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган энг кичик солиқ ставкасининг 0,5 фоизга пасайтирилиши аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга, Давлат бюджетининг даромад қисмида режалаштирилган маблағларнинг келиши, шунингдек, ундан самарали фойдаланилиши, айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган бюджет маблағлар устидан парламент назоратини янада кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги таклиф билдирилди. Бу нуқтаи назардан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг депутатлар корпуси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги тўғрисида таклиф билдирилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партиясидан сайланган депутатлар 2014 йилги бюджет-солиқ сиёсати концепцияси ва Давлат бюджети лойиҳасида жаҳон иқтисодиётида мураккаб жараёнлар ва салбий ҳолатлар давом этаётган шароитда мамлакатимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни қондиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилаётганлигини таъкидладилар.

Жаҳон бозорларидаги ноқулай конъюнктура шароитларида мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилаётганлиги жуда муҳим эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, туризм ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига ва минтақаларнинг иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланишига кўмаклашиши айтиб ўтилди.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳияти тўлиқ амалга ошиши мумкин бўлган инновацион типдаги иқтисодиётни яратиш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, фракция иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш чора-тадбирларига муҳим аҳамият бермоқда.

Фракциянинг фикрича, иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ҳамда таълим тизимига таяниши керак. Шу муносабат билан 2014 йилда фанга ажратиладиган харажатлар ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида ёки 2013 йилдагига нисбатан 1,2 баравар ортиқ эканлиги муҳимдир.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ишларини давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. Ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашни амалга ошириш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳам унутмаслик даркор. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги айрим корхоналар раҳбарларининг белгиланган экологик нормаларини бузганлик учун жавобгарлигини янада кучайтириш муҳимлиги уқтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон — Польша иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама соликдан қочиш, имтиёзли ҳамда тижорат кредитлари ажратиш, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликка доир қирқдан зиёд ҳужжатга асосланади. Бу борадаги алоқаларда энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўзаро товар айирбошлаш

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ҳажми мунтазам ошмоқда. 2012 йилда ушбу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан 35,9 фоиз кўп — 148,3 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг 9 ойида эса 127,6 миллион долларни ташкил қилди.

Мамлакатимизда Польша сармояси иштирокида тузилган йигирмага яқин корхоналар фаолият кўрсатаётир. Улар ёғ-мой маҳсулотлари, қурилиш материаллари, пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш, мебелсозлик, атторлик, ипакчилик каби соҳаларда иш юритади. Юртимизда Польшанинг тўртта етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Польша делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусийлаштириш жараёни, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди. Иқтисодий, молиявий-техникавий, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Польша Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Анжей Диха Ўзбекистон Польшанинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан эканини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон — ҳар томонлама истиқболли, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат, — деди Анжей Диха. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Шу куни Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ҳамда кооперацион биржаси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо, иқтисодиёт, сармоя, кимё, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Польша компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ОСИЁ ЧОРРАҲАСИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва Буюк Британиядаги HSBC банки экспертлари берган баҳолар хусусида тўхталинар экан, нашрда “ўзбек модели” асосига қурилган иқтисодиёт мамлакатнинг ишончли сармоявий ҳамкор сифатидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бориши асносида бундан кейин ҳам барқарор ривожланиб боражаги таъкидланади.

**Лондон университетининг катта маърузачиси, доктор Ш. Акинер** эса ўз мақоласида Ўзбекистон транспорт дастурларининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини тадқиқ этган. У мамлакатимизнинг автомобиль, темир йўллари, шунингдек, ҳаво қатновлари бўйича аллақачон кўп қиррали ички инфратузилмага эга бўлгани хусусида тўхталади. Ш. Акинер таъкидлаганидек, Ўзбекистон транспорт стратегиясидан кўзланган асосий мақсад унинг самарадорлигини кучайтириш ва халқаро транзит йўллари тармоғи билан алоқадорлигини яхшилашдир. Мақолада Навоий шаҳри аэропорти базасида барпо этилган транспорт хабининг аҳамияти тобора ошиб бораётгани алоҳида қайд этилган.

Шу билан бирга, Ш. Акинер Европа Иттифоқининг “Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлаги”, “Европага нефть-газ транспорт йўлаги”, Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги дастурлари доирасида, шунингдек, “Марказий Осиё — Форс кўрфази” транслойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон саъй-ҳаракатларини ҳам қаламга олган.

Юқоридагилардан ташқари, гуманитар алоқалар мавзуси ҳам “Дипломат” журналининг мамлакатимизга бағишланган мақолалар туркумидан четда қолмаган. Мазкур рукн остида Буюк Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги идораси, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми, Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети, Буюк Британия — Ўзбекистон жамияти, шунингдек, Буюк Британиянинг Haven Wolverhampton ноҳукумат ташкилоти раҳбарлари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Улар Буюк британиялик ўқувчиларни икки мамлакатнинг таълим, маданият соҳасидаги ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлиги ривожининг дадил одимлари билан яқиндан таништирган.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

# Сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Вилоятимиздаги мавжуд 340 та фуқаролар йиғинида сайлов жараёнларини ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Навоий вилояти комиссияси раиси Лочин Облақулов. — Жойларда намуна тарзидаги сайловларнинг йўлга қўйилгани эса айни муддао бўлди. Негаки, бу тайёргарлигимизни яна бир бор кўздан кечириб олишимиз учун имкон берди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, сайлов ташкилотчиларининг ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ билим ҳамда кўникмаларини бойитишда қўл келди. Яъни уларга жалб этилган ишчи гуруҳларнинг раҳбарлари ва аъзолари, сайлов жараёнларига алоқадор ташкилотчилар билим ҳамда кўникмаларини бойитишди.

Кармана туманидаги “Бешкент” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайлов мисолида буни яққол кўриш мумкин. Унда тумандаги 43 та маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва аъзолари, туман кўмаклашувчи комиссияси, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Ушбу маҳаллада барча ишлар юқори савияда ташкил этилган бўлиб, сайлов ҳам шунга мос равишда ўтказилганлигининг гувоҳи бўлдик, — дейди “Янги ариқ” маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Ислом Икромов. — Дастлаб сайлов натижаларини аниқлаш учун уч кишидан иборат саноқ комиссияси сайланди. Сайлов фуқаролар вакилларининг йиғилиши қарорига кўра, очиқ овоз бериш тартибида ўтказилди. Саноқ комиссияси раиси томонидан ўқиб эшиттирилган баённома фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланди. Якунда овоз беришда иштирок этган 51 нафар вакилнинг 47 таси С. Латипов номзодини қўллаб овоз берди. Сўнгра фуқаролар йиғини раисининг 9 нафар маслаҳатчиси, келгусида уларнинг аксарияти фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга раҳбарлик қилишини ҳисобга олган ҳолда, демократик ва муқобиллик тамойиллари асосида сайланди.

Умуман, янги таҳрирдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида ўтказилган сайлов тадбири бизда катта таассурот қолдирди. Албатта, бу ерда ўрганган билим ва тажрибамиз маҳалламизда бўладиган сайловни юқори савияда ўтказишимизда қўл келади, деб ўйлайман.

— Янги ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказилган мазкур сайлов биз, сайловчилар учун ҳам катта янгилик бўлди, — дейди Рўзимурод Тошев. — Аввало, ушбу тадбир ўтказилаётган муҳташам бинода фуқаролар учун барча қулайлик яратилгани эътиборимизни тортди. Сайлов ҳам шунга яраша ўтди. Мен маҳалламиздаги Абдулла Қаҳҳор кўчаси аҳолисининг умумий йиғилишида сайланган вакили сифатида қатнашдим.

Халқ депутатлари Кармана тумани Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Тоҳир Йўлдошевнинг фикрича, мазкур маҳалладаги сайлов юқори савияда ўтказилди. “Айниқса, фуқароларнинг фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам ошгани ва уларнинг маҳалла, юрт тақдирига бефарқ эмаслиги таҳсинга лойиқ”, дейди у.

Мухтасар айтганда, юртимизда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловлари юқори савияда ва демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, маҳалла институтининг нуфузини ошириш ҳамда унинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Жамоатчилик билан самарали ҳамкорликнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда бугунги кунда юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани қайд этилди. Шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича олиб борилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

— Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга ишончли, холис, аниқ маълумотга асосланган ахборотни етказишда ОАВ, чунончи, ахборот хизматларининг муҳим ўрни бор, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси Бекзод Қодиров. — Ўз навбатида, ахборот хизматлари самарадорлигини, айниқса, ходимлар касбий маҳоратини оширишда бу каби тадбирларни ўтказиш айни муддаодир. Семинарда мутахассисларнинг давлат органлари ахборот хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан билдирган фикрлари ҳамда таклиф ва тавсиялари ахборот хизматлари салоҳиятини оширишда қўл келади, албатта.

Шунингдек, тадбирда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида ахборот хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий қўлланма тақдим этилди. Семинар-тренингда иштирокчилар кўриб чиқилган мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, Буюк Британиянинг авиакомпаниялар ва аэропортлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ўрганишга ихтисослаштирилган нуфузли “Skytrax” агентлиги Миллий авиакомпаниямизнинг бу борадаги салоҳиятига юқори баҳо берди.

Шуларга мос равишда авиапаркни илғор авиалайнерлар билан тўлдириш дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2011 йилда ўнта “А320”, 2012-2013 йиллар давомида тўртта “Боинг-767-300-ER” самолёти қабул қилиб олинди. Яқин истиқболда эса яна иккита “Боинг-787-8 Dreamliner” ҳаво кемаси олиб келиниши режалаштирилмоқда.

Албатта, техника ва технология нечоғли замонавий бўлса, бу мутахассислардан шу қадар юксак малака ҳамда иқтидорни талаб этади. Бинобарин, Миллий авиакомпания Ўқув-машқ маркази фаолияти тубдан модернизация қилинди. Бугунги кунда унинг янги Тренажёр мажмуасида “Боинг-757/767”, “А320” ҳамда юртимизда ишлаб чиқарилган “Ил-114-100” лайнерларининг ноёб “Full-flight” симуляторидан фойдаланилаяпти. Бу эса экипаж аъзоларига худди осмондагидек реал ҳолат яратиб берилган бир шароитда тажрибасини ошириш имконини тақдим этмоқда.

Шу ўринда, айниқса, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАКнинг “Uzbekistan airways technics” (“UAT”) авиакорхонаси ўзининг техник ва таъмирлаш хизматлари билан ушбу соҳада етакчилар қаторида тилга олинаётгани ҳар қанча эътирофга арзигулик, десак, тўғри бўлади. Негаки, корхона жамоаси Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи бир қатор халқаро (EASA ва “Bermuda” каби) сертификатларни қўлга киритгани шунчаки оддий воқеа эмас. Бунинг замирида мутахассисларнинг етук малакаси, мамлакатимизнинг кенг имкониятлари мужассам.

— Бугунги кунда “VimAvia”, “SCAT”, “Чехия авиалиниялари”, “Урал авиалиниялари” каби кўплаб авиакомпаниялар корхонамизнинг доимий мижозлари ҳисобланади, — дейди “Uzbekistan airways technics” корхонаси директори Улуғбек Киясов. — Айни пайтда “UAT” базасида самолёт конструкцияси, жумладан, “Боинг-787-8 Dreamliner” лайнерининг композицион материаллардан тайёрланган йирик элементларини таъмирлаш бўйича Марказий Осиёдаги биринчи минтақавий цехни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб борилаётир.

— Компаниянинг дунё бўйлаб 30 дан ортиқ филиалида 26 000 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди “Lufthansa Technik AG”нинг агрегатларга хизмат кўрсатиш бўйича катта вице-президенти Бурхард Андрех. — Таъмирлаш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида халқаро лицензияларга эга ташкилот самолётларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, тўлиқ таъмирлаш, двигатель ва эҳтиёт қисмларини модернизация ҳамда модификация қилиш ишларини қамраб олади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигимизнинг бош мақсади ҳам нафақат ходимларни ўқитиш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, таъмирлаш, балки авиатаъмирлаш хизматлари бозорини биргаликда ўрганишдан иборат.




Мазкур тармоқларнинг бир-бирини тўлдирган ҳолда яхлит инфратузилма сифатида фаолият кўрсатаётгани кутилган самарани бераяпти. Бунинг амалий исботи жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари мисолида кўзга яққол ташланади. Чунончи, шу муддатда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК самолётларида 18 минг 548 та парвоз амалга оширилиб, 2 млн. 62 минг нафар йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилди. Мазкур рақамлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан мос равишда 32 тага ва 5,2 фоизга зиёддир. Бошқача айтганда, битта рейс учун йўловчиларнинг ўртача юкламаси 106 нафардан 111 нафарга кўпайди. Ўз навбатида, 30 минг тонна юк ташилди.

Шубҳасиз, эришилган ютуқларда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг барча тузилмалари қатори “Uzbekistan airways technics” корхонаси жамоасининг ҳам ҳиссаси беқиёс. Юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати эса Миллий авиакомпания салоҳиятининг янада ортишига хизмат қилади. Зеро, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар Халқаро авиаташувчилар альянси — “SkyTeam” аъзоси бўлиш, ҳаво йўлларимизнинг дунё миқёсида тутган нуфузини юксалтириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, рейслар географиясини кенгайтириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва юк ташиш ҳажмини жадал ошириш, юртимиз авиасаноати ва туризм индустриясини янада ривожлантириш борасида янги имкониятларни яратиб бераётир.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЖАҲОН 24 соат ичида

*Италиянинг “Alitalia” авиакомпанияси раҳбарияти мавжуд иш ўринлари сонини икки мингтага қисқартириш, шунингдек, меҳнат шартномаси сақлаб қолинадиган ходимларнинг ойлик маошини маълум миқдорда камайтириш ниятида.*

## Кўмакка муҳтож



Ушбу тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган режа чоршанба куни бўлиб ўтган директорлар кенгаши мажлисида тақдим этилди. Изоҳланишича, “Alitalia”да юзага келган молиявий қийинчиликлар туфайли шундай йўл тутилмоқда.

Аслида Италия авиаташувчиси 2008 йилда ҳам қийин вазиятга тушиб қолган ва фаолияти қайта ташкил этилгач, банкротликдан қутулганди. Аммо бугун яна ўша аҳвол такрорланмоқда. Шу боис компания раҳбарияти инвесторлардан 300 миллион евро миқдорида молиявий ёрдам олиш ҳаракатида.

## «Пушти юлдуз» сотилди

*Женевада ўтказилган кимошди савдосида “Пушти юлдуз” деб номланган бриллиант рекорд нархда сотилди, дейилади “Reuters” ахборот агентлиги хабарида.*



“Пушти юлдуз” ҳозиргача савдога қўйилган шу туркумдаги бриллиантлар орасида энг каттаси ҳисобланади. Жумладан, унинг оғирлиги 59,6 карат (бир карат 0,2 грамм)-га тенг.

Бундан уч йил аввал ҳажми жиҳатидан “Пушти юлдуз”дан деярли икки баравар кичкина бўлган қимматбаҳо тош 46,2 миллион долларга сотилган ва бу ўша вақтда рекорд сифатида қайд этилганди.

Исми ошкор этилмаган харидор қимматбаҳо тошга эга бўлиш учун 83 миллион АҚШ долларидан воз кечди. Ташкилотчиларнинг айтишича,

## Ким чемпион бўлади?

*Шу кунларда Ҳиндистонда мезбон давлат вакили Вишванатан Ананд ҳамда норвегиялик Магнус Карлсен ўртасида шахмат бўйича навбатдаги жаҳон чемпионлиги учун баҳс бўлиб ўтмоқда.*



Дастлабки уч партияда томонлар дурангга имзо чеккан эди. Тўртинчи турда Ананд оқ доналарда ўйнади, аммо 64-юришдан сўнг рақиблар яна муроса кўчасини танлашди. Умумий ҳисоб — 2:2.

Кеча шахматчилар учун дам олиш куни бўлди. Бугун бешинчи турга старт берилади. Ғолиб номи жами 12 партияда аниқланади. Агар шунда ҳам очколар тенг келиб қолса, регламентга кўра, жаҳон чемпиони тай-брекда маълум бўлади.

## Машқ вақтида тўқнашув

*Финляндиянинг Каухава шаҳри шимолида учувчилар учун ўтказилаётган ўқув-машқ жараёнида икки самолёт тўқнашиб кетди.*

Воқеа юз беришидан бир неча сония аввал самолётларни бошқараётган ҳар икки мутахассис катапульта (учувчини парашют билан тушиш учун аппарат ичидан автоматик равишда отиб юборадиган механизм) ёрдамида хавф жойидан қочишга улгурган. Аммо улардан бири барибир жиддий жароҳат олиб, охир-оқибат ҳаётдан кўз юмган. Иккинчи учувчи эса шифохонага ётқизилган.

Ҳодиса сабаблари ўрганилмоқда.

## Энг ўткир муаммо

*Экспертларнинг фикрича, ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги айни пайтда Европадаги энг ўткир ижтимоий муаммолардан бири бўлиб турибди.*




“Евростат” маълумотларига кўра, сентябрь ойи якуни бўйича Европа Иттифоқига аъзо давлатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 26,8 миллион нафари ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Шуларнинг 23,5 фоизи 25 ёшгача бўлганлардир. Кўрсаткичлар ҳамма жойда ҳар хил. Масалан, Грецияда бу 57,3, Испанияда 56,5, Португалияда 36,9, Францияда 26,1 фоизни ташкил қилса, Германияда 7,7 фоиз атрофида.

Хўш, вазиятни қандай қилиб ўнглаш мумкин? ЕИга аъзо давлат раҳбарлари иштирокида Парижда ташкил этилган саммит худди шу мавзуга бағишланди. Унда билдирилган таклифлар, эришилган хулосалар амалда қандай натижа беришини вақт кўрсатади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Соғлом турмуш тарзи

## инсон саломатлигининг асосий мезонидир

*Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш ва ўз вақтида самарали даволашнинг бош омили, бу — соғлом турмуш тарзига риоя этиш. Шу маънода, бугун мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий, тиббий санитария-гигиена тадбирлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда.*

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Эндокринологлар ассоциацияси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор вазирликлар билан ҳамкорликда “Ноябрь ойи — диабетга қарши курашиш ойлиги” деб эълон қилиниши ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

Мамлакатимизда ушбу хасталикнинг олдини олиш, беморларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, даволаш ва реабилитация қилишда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳам алоҳида ўрни бор. Марказимизда эндокрин хирургия, диабетология, болалар эндокрин хасталиклари, оёқ тўпиғи диабети сингари бир қатор йўналишларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бунинг учун шифо маскани ҳамда унинг маслаҳат поликлиникасида барча замонавий техник имкониятлар мавжуд бўлиб, энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар воситасида қандли диабетга аниқ ташхис қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу хасталикдан азият чекаётган беморларнинг ўз вақтида ва самарали даволанишларида муҳим аҳамият касб этади.

Тиббиётда мазкур касалликнинг келиб чиқиши, энг аввало, генетик мойиллик ҳисобланади. Шунингдек, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатланиш, ортиқча вазн ҳам ушбу хасталикка чалинишда етакчи омилдир. Бинобарин, бу омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, истеъмол қилинаётган таомлар таркибида оқсил, ёғ ва углеводларнинг меъёридан ошиб кетиши вазн ортишига, бу эса жисмоний фаолликнинг сусайишига сабаб бўлади. Натижада меъдаости бези фаолияти издан чиқиб, инсулин етишмовчилиги юзага келади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ноинфекцион эпидемия номини олган ушбу хасталикнинг “ёшариб” бораётгани дунё соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунга қадар ушбу хасталик билан оғриган беморлар сони 284,6 миллион нафарни ташкил қилмоқда. Энг ачинарлиси, аҳвол шу зайлда давом этаверса, 2030 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 438,4 миллион нафарга етиши мумкин.

Қандли диабет хасталигига учраган беморларда қувватсизлик, оғиз қуриши, вазн камайиши, кўз хиралашиши каби аломатлар пайдо бўла бошлайди. Бунда бемор ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиши, қанд миқдорини текширтириб, керакли муолажани олиши ва махсус парҳезга амал қилиши талаб этилади. Зеро, ўз саломатлиги ҳақида қайғурган, соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёти мезонига айлантирган инсоннинг жамиятга ҳам, эл-юртига ҳам фойдаси тегади.

**Саид ИСМОИЛОВ,**
**Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.**

**Реклама ва эълонлар**

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 17 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани судининг 2013 йил 8 октябрдаги 1-764/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обиҳаёт (собиқ Массон) кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

**1.** Блок «А», умумий майдони 4 914 кв.м. бўлган маъмурий бино.
***Бошланғич баҳоси — 2 177 064 750 сўм.***
**2.** Блок «А1», умумий майдони 54 кв.м. бўлган ўтиш биноси.
***Бошланғич баҳоси — 16 135 919 сўм.***
**3.** Блок «А2», умумий майдони 413 кв.м. бўлган идора биноси.
***Бошланғич баҳоси — 8 833 723 сўм.***
**4.** Блок «А2», умумий майдони 486 кв.м. бўлган идора биноси.
***Бошланғич баҳоси — 89 147 398 сўм.***
**5.** Блок «В», умумий майдони 15 145 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
***Бошланғич баҳоси — 7 081 712 222 сўм.***
**6.** Блок «Г», умумий майдони 468 кв.м. бўлган нейтраллаш биноси.
***Бошланғич баҳоси — 103 268 682 сўм.***
**7.** Блок «Д», умумий майдони 702 кв.м. бўлган цех биноси.
***Бошланғич баҳоси — 82 955 561 сўм.***
**8.** Блок «Е», умумий майдони 1 080 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 343 469 433 сўм.***
**9.** Блок «Ж», умумий майдони 1 891 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 1 027 216 664 сўм.***
**10.** Блок «Ж1», умумий майдони 111 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 11 324 268 сўм.***
**11.** Блок «З», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган иссиқхона иншооти.
***Бошланғич баҳоси — 485 593 187 сўм.***
**12.** Блок «К», умумий майдони 170 кв.м. бўлган бино (контора).
***Бошланғич баҳоси — 62 530 262 сўм.***
**13.** Блок «М», умумий майдони 34 кв.м. бўлган қозонхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 13 209 800 сўм.***
**14.** Блок «Н», умумий майдони 106 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 35 938 140 сўм.***
**15.** Блок «О», умумий майдони 1 495 кв.м. бўлган савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 2 182 350 784 сўм.***
**16.** Блок «П», умумий майдони 298 кв.м. бўлган компрессор биноси.
***Бошланғич баҳоси — 127 427 978 сўм.***
**17.** Блок «П1», умумий майдони 116 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 9 861 975 сўм.***
**18.** Блок «П2», умумий майдони 62 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 5 341 336 сўм.***
**19.** Блок «Р», умумий майдони 409 кв.м. бўлган насосхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 159 250 779 сўм.***
**20.** Блок «Р1», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 10 301 796 сўм.***
**21.** Блок «С», умумий майдони 1 728 кв.м. бўлган вентиляция биноси.
***Бошланғич баҳоси — 981 922 489 сўм.***
**22.** Блок «Т», умумий майдони 576 кв.м. бўлган цех биноси.
***Бошланғич баҳоси — 125 213 861 сўм.***
**23.** Блок «Т1», умумий майдони 52 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 18 026 218 сўм.***
**24.** Блок «Т2», умумий майдони 128 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 18 026 218 сўм.***
**25.** Блок «Т3», умумий майдони 96 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 50 434 131 сўм.***
**26.** Блок «Ф», умумий майдони 18 кв.м. бўлган қоровулхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 6 449 535 сўм.***
**27.** Блок «Х», умумий майдони 720 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 348 585 952 сўм.***
**28.** Блок «Ц», умумий майдони 128 кв.м. бўлган чилангарлик биноси.
***Бошланғич баҳоси — 33 503 233 сўм.***
**29.** Блок «Ч», умумий майдони 603 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 176 867 800 сўм.***
**30.** Блок «Ч3», умумий майдони 83 кв.м. бўлган омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 21 266 717 сўм.***
**31.** Блок «Ш», умумий майдони 14 кв.м. бўлган ёрдамчи бино.
***Бошланғич баҳоси — 2 228 177 сўм.***
**32.** Блок «Э», умумий майдони 102 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 8 324 867 сўм.***
**33.** Блок «Ю1», умумий майдони 191 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 17 320 802 сўм.***
**34.** Блок «Ю3», умумий майдони 2 684 кв.м. бўлган бостирма (навес).
***Бошланғич баҳоси — 173 700 782 сўм.***

**I.** 2013 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., икки қаватли ва ертўласи бўлган кўчмас мулк.
***Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.***
**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (собиқ Ш. Қозоқбоев) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган, икки қаватли уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.***

**II.** Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-3280/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 443 кв.м. бўлган беш хонали уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм.***

**III.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 20 февралдаги 1-587-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олой бозори (собиқ Каблуков) кўчаси, 23-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 1530 кв.м. бўлган офис биноси.
***Бошланғич баҳоси — 1 015 379 650 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

***Лицензия: № RR-0017.***

1902R/105

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 3 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**
**rieltsavdo@inbox.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1899R/1453

**САНОАТ КОРХОНАСИ**



*4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини*

**доимий ишга таклиф қилади.**

**Иш ҳақи — 2 млн. сўм.**

**Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.**

Qishloq Qurilish Bank

**барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«Мустақил диёр»** — муддати 2 ой
**«Ҳумо»** — муддати 2 — 6 ой
**«Истиқлол»** — муддати 6 ой
**«Мураббий»** — муддати 5 ой
**«Ният»** — муддати 1 йилдан 5 йилгача

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

**«Стимул»** — муддати 1-3 ой

*Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-76-53, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

***Хизматлар лицензияланган.***

1903R/537

“Ўзбекэнерго” ДАК ва “Ўзэлектртармоқ” УК раҳбарияти ҳамда жамоалари Тиббий санитария қисм бош шифокори

**Акбар Рустамович ИНОҒОМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

XALQ BANKI

*Мамлакатимизда мустаҳкам асос ва мукаммал инфратузилмага эга бўлган ишончли банк тизими яратилди. Ушбу тизимни халқаро меъёрларга мослаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар туфайли эса молия муассасаларида хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий механизми ишлаб чиқилди. Пировардида тижорат банклари ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ташкил этиш, ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Давлат-тижорат Халқ банкининг Навоий вилояти ҳудудий филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.*

# Ўзаро ишонч — муваффақият гарови

Дарҳақиқат, бу соҳа вакиллари нафақат ички бозоримизни замонавий ва сифатли маҳсулотлар билан бойитаяпти, балки юртимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бунда, табиийки, банк филиали томонидан уларнинг истиқболли лойиҳалари молиялаштирилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам филиал ходимларининг доимий диққат-эътиборида. Ўтган даврда улар бошқараётган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларининг 3,1 млрд. сўмлик бизнес-лойиҳалари молиялаштирилиб, кам таъминланган оилаларга чорвачиликни ривожлантириш учун 70 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

— Бобом кўп йиллар мобайнида кулоллик билан шуғулланган, — дейди “Облоқул бобо Ражабов” оилавий корхонаси раҳбари Нурбек Ражабов. — Мана шу бобомерос касбни давом эттиришимизда Халқ банкининг молиявий кўмаги қўл келди. Аниқроғи, филиал томонидан берилган 80 млн. сўм кредит эвазига дастгоҳ сотиб олиб, корхонамиз фаолиятини йўлга қўйдик. Шу билан бирга, ўн нафар ёшга кулоллик сирларини ўргатиш баробарида, тандир, гултувак каби маҳсулотларни тайёрлаяпмиз. Келгусидаги режаларимизни амалга оширишда ҳам Халқ банкининг сармояларига суянамиз, албатта.



Жорий йилнинг 1 октябригача филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 23,1 млрд. сўм миқдорида кредит ажратиш белгиланган бўлса, амалда бу кўрсаткич

**23,2** миллиард сўмга

етказилди. Ажратилган маблағларнинг 3,7 млрд. сўми саноат, 4,7 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 2,8 млрд. сўми қурилиш, 5,6 млрд. сўми маиший хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, филиалда ёш оилалар турмушини фаровонлаштириш юзасидан ҳам таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Яъни мазкур ҳужжатга мувофиқ, 253 та ёш оилага жами 2 млрд. 742 млн. сўмлик кредит берилгани кўплаб оилаларнинг оғирини енгиллаштиришга хизмат қилди.

Филиал томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам салмоқли. Ундан самарали фойдаланаётган ёш мутахассислар таълим масканида олган билимларини амалда синовдан ўтказиб, ишлаб чиқаришда қувонарли натижаларга эришмоқдалар.

Ана шундай ташаббускор ёшлардан бири — Навоий шаҳрилик Мафтуна Исмоилова. Азми қатъий бу тадбиркор аллақачон ҳудудда танилиб, тикувчилик борасида ўнлаб ёшларга устозлик қилмоқда.

— Ўзимнинг тикувчилик корхонам бўлишини коллежда ўқиб юрган кезларимдаёқ орзу қилардим, — дейди Мафтуна. — Бу ниятимнинг ушалишида Халқ банкининг кўмаги катта бўлди. Гап шундаки, коллежни битиргач, бизнес-режа тузиб, уни банкнинг шаҳар филиалига тақдим этган эдим. Банк мутахассислари лойиҳамни маъқуллаб, 3 млн. сўм миқдорида кредит ажратишди. Шундан сўнг маҳалламиздаги тикувчиликка уқуви бор 8 нафар қизни ёнимга олиб, ишни бошлаб юбордик. Ҳозир биз тиккан кийим-кечакларга буюртмалар сони тобора кўпаймоқда.

### Изчил ҳамкорлик самараси

Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, филиал билан мижоз ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Масалан, мазкур ҳужжатга мувофиқ, жорий йил охиригача жисмоний шахсларнинг банкдаги омонатларини камида 20 фоиз ошириш режалаштирилган эди. 1 октябрь ҳолатига кўра, уларнинг омонатлари қолдиғи 9 млрд. 444,7 млн. сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 1 млрд. 727 млн. сўмга ортди.

Шу билан бирга, банк филиали томонидан мижозларга турли банк хизматлари, хусусан, замонавий интерактив (интернет ва мобиль банкинг, СМС-банкинг, СМС-хабарнома) хизматлари таклиф этилаётгани самараси ўлароқ, улардан фойдаланаётганларнинг сони 800 нафарга етди.

### «Электрон ҳамён» афзалликлари

Бугунги кунда пластик карточкаларга шундай таъриф берилаётгани бежиз эмас. Чунки халқ орасида “электрон ҳамён” дея аталаётган пластик карточкалар, чиндан ҳам, самарали воситага айланди. Ўтган давр мобайнида филиалда 50585 дона пластик карточка эмиссия қилиниб, жисмоний шахсларнинг уларга тушган маблағлари 4 млрд. 580 млн. сўмни, юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги қолдиқ миқдори 3 млрд. 762 млн. сўмни ташкил қилгани бунинг исботидир. Қўлга киритилган ютуқлар, албатта, Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талаблари жамоа томонидан изчил амалга оширилаётгани натижасидир.

Мухтасар айтганда, давлат-тижорат Халқ банкининг Навоий вилояти филиали жамоаси ўз фаолияти давомида мудом изланиб, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Мижозлар билан йўлга қўйилган изчил ҳамкорлик эса юксак самаралар бермоқда.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

САНЪАТ

*Самарқанддаги “Эл мероси” тарихий либослар театри жамоаси 2006 йилдан буён Бельгия, Италия каби бир қатор мамлакатларга ижодий сафар уюштириб, миллий маданиятимиз дурдоналарини дунёга намойиш этиб келмоқда.*

## Томошабинларга манзур бўлди

Хусусан, жамоа яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган “Буюк Ипак йўлидаги инсоният — кеча ва бугун” деб номланган халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди.

— Мумтоз мусиқалар остида намойиш этган либосларимиз ҳамда Самарқанд ҳақида корейс тилида ижро этилган қўшиқ томошабинларга жуда манзур бўлди, — дейди театр раҳбари А. Жабборов.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ноёб, манзарали, фойдали

*Сирдарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармасига қарашли Ширин кўчатчилик участкасида қрим қарағайи ниҳолларини етиштириш йўлга қўйилди.*

ИНТИЛИШ

Гап шундаки, бу игнабаргли дарахт ўзининг бетакрор чиройи, йил бўйи яшнаб туриши билан хиёбонлар, бинолар ҳовлиси ҳамда кўчаларга ўзгача зеб беради. Шу боис ширинлик кўчатчилар қрим қарағайининг дастлабки 2 минг тупини парвариш қилишга киришдилар.

Бинобарин, эндиликда улар маданий ўрмонлар ҳосил қилишда чилонжийдадан фойдаланишни режалаштирган. Бу фойдали наботот тури атроф-муҳитга яшиллик бахш этиши баробарида, доривор мева бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, сирдарёлик ўрмончилар яна бир ноёб ўсимлик — лола дарахти кўчатларини етиштиришни ҳам ўзлаштиришди. Эътиборлиси, ушбу дарахтнинг бўйи 30 метргача етади, баргларию гуллари эса асл лолани эслатади.

— Парваришлаётган ниҳолларимиз келгусида кўча ва хиёбонлар, истироҳат боғлари, уйлар ҳамда ташкилотлар ҳовлиларида ажойиб яшил манзара ҳосил қилади, — дейди Ширин кўчатчилик участкаси бошлиғи Эргаш Ўрозов. — Қрим қарағайи, чилонжийда ва лола дарахти экологик муҳитнинг мусаффолигини сақлашда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни бу дарахтлар атроф-муҳитга мўл-кўл кислород тарқатиши билан бирга, ҳаводаги зарарли моддаларни йўқотишга ҳам хизмат қилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

БУНЁДКОРЛИК

## Пешкуда замонавий поликлиника

*Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг ўрни катта. Пешкуда яқинда ана шундай тиббиёт муассасасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

— 250 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш имконига эга поликлиникамиз туман тиббиёт бирлашмаси жойлашган ҳудудда барпо этилгани айни муддао бўлди, — дейди шифокор Жўрабой Саттаров. — Илгари масканимиз бўлимлари бири-биридан узоқда жойлашгани, эскирган, таъмирталаб биноларда фаолият юритиши биз, шифокорларга ҳам, аҳолига ҳам ноқулайлик туғдирар эди. Эндиликда шу ҳолга чек қўйилди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган поликлиникамизда беморга аниқ ташхис қўйиш, аҳоли саломатлигини ишончли тарзда муҳофаза этиш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Эътиборлиси, жорий йил охирига қадар бу ерда 100 бемор ўрнига мўлжалланган даволаш маркази ҳам фойдаланишга топширилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●




«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фарғона вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2009 йил 11 ноябрдаги 0807/29477-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 32-сонли «Хоразм» МФЙ, Абдураҳмон Жомий кўчасида жойлашган, 1974 йилда қурилган қандолат ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 224 604 391 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 декабрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 244-46-39. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

*Лицензия: RR-0001.*

1900R/1453

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

# Спорт

***Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз вакиллари билан бирга, Қозоғистон, Тожикистон ва Россиядан жами тўрт юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.***

## Дзюдочиларимиз рақибларидан устун келишди

Дзюдочиларимиздан Жавлонбек Ҳамидов, Комрон Нуруллаев, Хуршид Қодиров, Беҳзод Абдураҳимов, Давлат Бобонов, Муҳаммадкарим Хуррамов, Сардор Каримов олтин медалларни қўлга киритди. Шунингдек, қозоғистонлик Жонпўлат Умар ва Алиби Жумадуллаев ҳам ўз вазн тоифасида ғолибликка эришди.

Турнир доирасида ташкил этилган жамоавий беллашувларда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи вакиллари биринчи ўринга сазовор бўлди.

## Кучлилар сараланди



***Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.***

Эркин кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда Аброр Азимов, Нодир Сафаров, Фурқат Фармонов, Иброҳим Нуриддинов, Жамшид Кенжаев, Субҳон Тошпўлатов ва Икром Ержанов олтин медалларга эгалик қилди.

Юнон-рум кураши бўйича эса Феруз Тўхтаев, Аҳмад Маҳмудов, Рустам Султонов, Бесики Солдадзе, Жаҳонгир Турдиев, Мўмин Абдуллаев ва Нурбек Холмуҳаммедовга тенг келадиган рақиб топилмади.

## Кубок беллашувлари

***Бухоро шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон Кубоги баҳслари бўлиб ўтди.***

Бухоро олимпия захиралари коллежида уюштирилган мусобақада 14 жамоа қатнашди. Якунда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5